

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН  
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ**

**КУТУБХОНАЧИЛИК ДУНЁСИ**

Тошкент – 2005

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН  
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ**

**КУТУБХОНАЧИЛИК ДУНЁСИ**

7/2005

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси  
нашриёти  
Тошкент – 2005

**78.34**  
**К 96**

Илмий-методик бўлим томонидан тайёрланди

*Тузувчи*                      *Ҳ.Маматраимова*  
*Муҳаррир*                    *О.Қиличбоев*  
*Матн терувчи*              *З.Жалилова*

Кутубхоначилик дунёси: Ахборот  
бюллетени 7/2005 / Алишер Навоий ном.  
Ўзбекистон Миллий к-наси; Тузувчи  
Ҳ.Маматраимова; Муҳаррир О.Қиличбоев.-Т.:  
Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси  
нашриёти, 2005.- 30 б.

*КБК 78.34*

Бюллетеннинг ушбу сонида ҳозирда кутубхоналарда кенг тарқалиб бораётган йўналиш – музейлар ташкил этишга бағишланган мақолалар ўзбек тилига ўгириб берилди. Бу мақолаларда Россиянинг турли ўлкаларидаги вилоят, туман, шаҳар ва шохобча кутубхоналарида кутубхона-музейлари ташкил этиш тажрибаси ёритилган ҳамда бу музейларнинг ўлка тарихини, ўлкадаги машҳур шахслар ҳаёти ва ўрнини ўрганишдаги аҳамияти кўрсатилган.

Бу мақолалар республикамиз кутубхоналарида бу йўналишда иш олиб борувчи ташаббускор ходимларга ёрдам беради деган умиддамиз.

© Алишер Навоий номидаги  
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси  
нашриёти, 2005

**Клочкова Л.А. Мини-музей народного писателя:  
ЦБС: Адрес опыта //Библиотека.-2004.-№12.-С.35-36.**

**Халқ ёзувчисининг кичик-музейи.**

Мамлакатда юз бераётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар кутубхоналар фаолиятида ҳам ўз аксини топмоқда. Янгиланиш жараёнида улар ўз ишининг муҳим йўналишларини ўзлари белгилаб, стратегик режаларни ишлаб чиқмоқдалар. Натижада оммавий кутубхоналарнинг янги моделлари, янги ихтисослашган хизматлар пайдо бўлди, - деб ёзади Улан-Удэ шаҳар марказлашган кутубхона тизимининг етакчи методисти Лидия Александровна Клочкова.

Кейинги йилларда Улан-Удэ Марказлашган кутубхона тизими (МКТ)да Ўқиш маркази, Экологик, ўлкашунослик кутубхонаси, эстетик фаолият кутубхонаси ва бошқа бўлинмалар ташкил этилди. Улар орасида мини-музей ёки бурчаклар бор.

Шаҳар марказий кутубхонаси (ШМК) 1996 йилда халқ ёзувчиси Исай Калистратович Калашников номини олган. Калашниковнинг қизиқарли ижоди фақат Бурятияда, Россияда эмас, балки хорижда ҳам машҳур: унинг китоблари жаҳоннинг кўпгина тилларига таржима қилинган.

1998 йилда машҳур ёзувчилар, жамоат арбоблари ва ШМК ходимлари кучи билан ШМК қошида И.Калашников номидаги жамоатчилик фонди ташкил этилди, ёзувчининг беваси Е.В.Калашникова унинг президенти бўлди.

Кутубхона қошида бундай фонднинг ташкил этилиши – ноёб ҳодисадир.

Ҳар йили кутубхонада ва адибнинг юрти Шаралдай қишлоғида Калашников ўқишларини ўтказиш анъанавий тус олган.

Шаҳардаги кўчаларнинг бири машҳур ҳамюртимиз номи билан аталади. 1999 йилдан Фонд билан биргаликда Шаҳар кунда Кўчанинг байрами ҳам ўтказилади. Бу

тадбирлар Исай Калашников ижодининг ҳақиқий мухлис-ларини йиғишга ёрдам беради, мамлакатнинг бошқа минтақаларидан кўплаб меҳмонлар келади.

Кутубхона ва Фонд халқ ёзувчисининг яқинда нишонланган 70 йиллик юбилейига тайёргарлик ва уни ўтказишда бевосита иштирок этдилар.

Кутубхона ташаббуси билан Улан-Удэ шаҳар маъмурияти проза жанрида И.К.Калашников номидаги адабий мукофотни таъсис этди, 2 энг яхши асар бу мукофотга сазовор бўлди.

Кутубхона ва Фонднинг нашриётчилик фаолияти ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Калашников ўқишлари материаллари бўйича тўплам, “Исай Калистратович Калашников” библиографик кўрсаткичи, хомийларнинг ёрдами билан эса муаллифнинг энг сўнги асари босилиб чиқди. Матбуот вазирлигининг пул маблағи ва грант лойиҳасидан олинган маблағга ёзувчининг 3 жилдлик асарлари тўплами нашр қилинди.

Кутубхона ва Фонд ёшлар билан ишлашда мазмунга бой дастурни амалга оширмоқдалар. “Кўнгилдаги орзулар тўғрисида суҳбатлар” заковатли десантлар оммабоп бўлиб, унда мактаб, лицейлар ўқувчилари маданият арбоблари, Республиканинг машҳур ўлкашунослари билан учрашадилар.

Бу учрашувларда Фонд президенти Е.В.Калашникова “Исай Калашников – XX аср мусаввири ва маърифат-парвари” мавзусидаги дарси билан ёзувчининг ижоди, унинг шахсий ҳаётидаги қизиқарли воқеалар, ёзувчилик ва ижтимоий фаолияти билан таништиради.

Ҳозирда кутубхона билан Фонд ШМК қошида И.Калашников мини-музейини ташкил этиш бўйича иш олиб бормоқдалар. Екатерина Викторовна қимматли экспонатларни берган.

Музей режасида ўз видеотекасини тузиш, архив ва бошқа материалларни йиғиш, уларга ишлов бериш, система-лаштириш бор.

Яқинда Республика маданият вазирлиги “И.Калашников номидаги мини-музейни ташкил этиш” грантига маблағ ажратди (бу кутубхона ва Фонднинг биргаликдаги лойиҳасидир).

Музейимиз юқори синф ўқувчилари ва талабалар учун жуда зарур бўлишига ишонамиз, айниқса “Бурятия адабиёти” фанидан ўқув дастурларга ёзувчи асарларининг киритилганлиги муҳимдир. Мини-музейга йиғилган ноёб экспонатлар Бурятия Республикасининг халқ ёзувчиси И.Калашников мухлислари ва авлодларимиз томонидан етарлича баҳоланади, деб ишонадилар кутубхона ва Фонд ходимлари.

**Ключникова В.Ю. Сокровищница мудрости поколений //Библиотека.-2004.-№12.-С.20-22.**

**Авлодлар донишмандлиги хазинаси.**

Ростов вилояти Красний Сулин шаҳри Марказ-лашган кутубхона тизими (МКТ) директори муовини Виктория Юрьевна Ключникова кутубхонада ташкил этилган мини-музейлар ҳақида ҳикоя қилади.

Красносулинск тумани Ростов вилояти ғарбида жой-лашган. Унинг маркази Красний Сулин шаҳри. Унинг тарихи дон казаклари тақдири билан боғлиқ. Яна унинг тарихига Сулинск металлургия заводининг асосчиси Д.Пастухов, буюк рус олими Д.Менделеев, ноёб болалар соғломлаштириш “Детка” тизимини ташкил этган П.Иванов, учувчи-космонавт В.Корзун, 2-жаҳон уруши фронтларида қаҳрамонликлари учун Совет Иттифоқи қаҳрамони унвонини олган шаҳар ва туманнинг 12 қаҳрамонларининг номлари ҳам ёзиб қўйилган.

Красний Сулин ташаббускорлари ўтган асрнинг 20-йилларида очилган ўлкашунослик музейи учун материалларни йиғдилар. 1960 йиллар ўрталарида эса шаҳар ва металлургия заводи тарихи бўйича музей ташкил этилди. Бу заводнинг 100 йиллигига “Сулинский металлургический” номи китоб ҳам чиқарилган.

Ҳозирда кутубхона В.Кудрявцевнинг “Сулинская земля: страницы истории” китоби, “Сулинская земля” тўплами, “Сулинский краевед” йилномасининг бир неча нашри ва бошқа шаҳар ва туман тарихи, географиясига оид қатор нашрларга эга. Уларни тайёрлашда Красносулинск МКТ ходимлари ўз ҳиссаларини қўшганлар.

Тизимнинг 38 (25 қишлоқ ва 13 шаҳар) кутубхонаси қишлоқлар тарихи бўйича машҳур кишиларнинг суратлари билан, хотира жойлари тўғрисида материалларни, кексаларнинг хотираларини йиғиб, системалаштириб борадилар, уруш ва меҳнат фахрийлари билан учрашадилар.

Сулинск ерларида – Садки кичик қишлоғида Дон ҳарбий бошлиқ Ф.И.Краснощеков томонидан биринчи аҳоли турар жойи – қишлоқча сифатида асос солинган. 24-сонли шоҳобча кутубхона биносида жойлашган Жанговар ва Меҳнат Шухрати музейи садкиликлар фахридир. Кутубхоначилар экспонатларни кўз қорачиғидек асрайдилар, ўқувчилар ва қишлоқ меҳмонларига музей бўйлаб саёҳатлар ўтказадилар.

Дон табиатининг гўзаллиги ва ранг-баранглиги 2004 йил 100 йиллик юбилеи нишонлаган машҳур адиб Михаил Соколов асарларида бутун гўзаллиги билан кенг ўрин олган. 4-шоҳобча кутубхона адибнинг номини олган. Унинг юбилейига МКТ методика бўлими ходимлари “Ҳам-юртимиз, ёзувчи, инсон” био-библиографик материални тайёрладилар.

М.Соколовнинг ёшлиги ва ўсмирлиги кутубхона жойлашган Вербенка қишлоғида ўтган. Энг яхши, машҳур асарлари шу ўлка, унинг одамлари, табиатига бағишланган.

Кутубхонага яқин жойда адибнинг қариндошлари ва яқинлари яшайдилар. Кутубхона мудир Л.Черникова уларнинг ёрдами билан ёзувчи таржимаи ҳолидаги фактларни аниқ тиклади. Қироатхонада “М.Д.Соколов ва унинг номидаги кутубхона” экспозицияси, XIX аср охири – XX аср бошида казаклар турмуш тарзи мини-музейи ташкил этилган.

Кутубхона ўзининг буюк вазифасини оқламоқда. У – маданият, ўтмиш меросни асрагувчи, фикр ва билимларни умумлаштирувчи; унда ҳамма ёшдаги китобхонлар бири бири билан учрашадилар ва мулоқотда бўладилар.

Сўнги сўз сифатида ажойиб олим Д.С.Лихачевнинг сўзини келтирамиз: “Кутубхона тирик экан, халқ тирик, у ўлса – ўтмишимиз ва келажагимиз ҳам ўлади”.

**Петрова Л.А. Напиши... биографию вещей //Библиотека.-2004.-№ 10.-С.6-7.**

**Нарсанинг “таржимаи ҳоли”ни ... ёз.**

Ҳозирги оммавий кутубхона ўзидан олдинги ўтган халқ, умумдавлат, оммабоп, хусусий ва бошқа кутубхоналар сингари ҳозирги кунгача ахборот вазифаси билан бирга кўпгина ижтимоий аҳамиятли вазифаларни бажаради. Улардан бири музей фаолиятига яқин ўтмиш тарихи билан танишишдир. Шу нуқтаи-назардан ҳозирда кутубхоналар қошида музейлар ташкил этилиши тасодифий ҳол эмас.

Новгород вилоят универсал илмий кутубхонаси бош кутубхоначиси Людмила Алексеевна Петрова вилоятдаги кутубхоналар қошида ташкил қилинган музейлар ва клублар иши тажрибаси ҳақида маълумот беради.

Кутубхоналар қошидаги музейларнинг ташкил этилишини янгилик дейиш мумкинми? Ҳа дейиш ҳам йўқ

дейиш ҳам мумкин. Жаҳоннинг йирик кутубхоналар музейлари тўпламларидан ажралиб чиққанлигини эслаш кифоя. Масалан, Румянцев кутубхонаси (ҳозирги Россия Давлат кутубхонаси), Британ музейи кутубхонаси ва бошқалар. XIX аср охири – XX аср бошларида фан ва санъатга ҳомийлик қилувчи давлатманд одамлар қишлоқларда халқ уйларини ташкил этганлар, унда ўзаро ҳамкорликда кутубхона, музей, театр, баъзан чойхоналар фаолият юритганлар.

Агарда кутубхона қошидаги музейнинг мақсади-маърифатчилик натижаси, ихтисосликни танлаши – кўп вариантлилик бўлса, минтақавий хусусият билан ёки умуммаданий мақсадларда, яъни кутубхона-музей, кутубхона қошидаги музей сифатида ташкил этилган бўлиши мумкин.

Кутубхона-музейда китоблар ва музей экспонатлари бир жойда, яъни китоб фондининг тарихий ва ўлкашунослик бўлими, фотографиялар, ҳужжатлар, турмуш буюмлари тўлиқ ва кенг фойдаланиш учун қўйилган бўлади. Бу биринчи навбатда – аҳолига босма нашрлар билан хизмат кўрсатувчи, зарур ахборотни берувчи, дам олишни ташкил этувчи к у т у б х о н а д и р.

Маданий, жумладан, маиший ёдгорликларни такрор ишлаб чиқариш худди кутубхона амалий ишидан узок шаклларда амалга ошириладигандир.

Новгород вилояти Шимск туманида 1967 йилдан Медведск ўлкашунослик музейи, Боровичск тумани Передни қишлоғида эса 1976 йилдан деҳқонлар турмуш тарзи музейи мавжуд.

Новгород тумани Наволок қишлоғида кутубхоначи Тамара Николаевна Боровикова ва клуб ходими Ирина Николаевна Орнатскийлар ташаббуси билан 1986 йилда очилган тарихий этнографик музейи ҳақида алоҳида гапириш лозим. У Новгород тумани Наволок, Чаврица қишлоқлари аҳолиси ва Войцы Бронницкий қишлоқ

кенгаши томонидан ташкил этилгани учун ҳам у ҳақиқий халқ музейидир.

Бошида 69 экспонат билан очилган музейда икки йилдан сўнг 200 дан ортиқ экспонат йиғилди. 1988 йилда музей кенг хонага кўчириб ўтказилди, унда экспонатлар куйидагича системалаштирилди:

1. Ўлкамиз тарихидан.
2. Тўқимачилик.
3. Меҳнат ва жанговар шуҳрат солномаси; колхоз ҳаракати; Улуғ Ватан уруши; урушдан кейинги давр.
4. Балиқчилик.
5. Ўтмишда деҳқонлар турмуш тарзи.

Осори-атиқаларни сеувчилар ва ташаббускорлар фольклор гуруҳига бирлашиб, қадимги удумлар, кўшиқлар ва ўйинларни йиғдилар ва қайта тикламоқдалар. Ҳар йили Наволок қишлоғида туман фольклор ва хунармандчилик байрами ва Қишлоқ куни ўтказилади.

1989 йилдан Рус-Пестовск қишлоқ кутубхонаси халқ турмуш тарзи бурчагини ташкил этиш бўйича иш олиб бормоқда. Йиғилган коллекция ичида ошхона анжомлари, кийимлар ва пойафзал, йигирув қуроли, ёғоч қўлювгич, пуллар ва ҳ.к.бор. 2002 йилда 311 экспонат йиғилди.

Кутубхонада 1947 йилдан қишлоқлар тарихи, қишлоқ кенгаши ва колхозлар раислари, қишлоқ кенгаши йиғилишларининг кўчирмалари; мактаблар тарихи, оилалар шажараси, қатағон қилинган аҳоли, уруш ва меҳнат фахрийлари, маҳаллий фольклор ва бошқа кўпгина бой материаллар йиғилган.

Буларнинг ҳаммаси мавзули папкалар ва альбомларда йиғилган ва безатилган.

Кутубхонага олинган барча ашъвий ва ёзма манбалар ўлкашунослик музейи экспонатларини ҳисобга олиш дафтарига ёзиб борилади, “Музей экспонатлари” мавзувий картотека юритилмоқда.

Масалан, “Халқ ҳаёти бурчаги”да “Қадимги босма нашрлар”, “Ўз қўлимиз билан”, “Каштачилик”, “Пул”, “Тошлар”, “Тўқимачилик” ва бошқа экспозициялар акс эттирилган.

1992 йилдан Окуловск тумани Кулотинск шоҳобчасида музей ишламоқда. Қишлоқнинг 500 йиллигига (1995й.) “Бизнинг қишлоқ” экспозицияси тайёрланган. Унда йигирув-тўқув фабрикаси тарихи, Кулотино турмуш тарзи ҳақида ҳикоя қилувчи материаллар бор. Кейинги йилларда музейда турли кўргазмалар ташкил этилган.

Бу музейнинг ўзига хослиги шундаки, у Окуловск туман маҳаллий ўлкашунослик музейи шоҳобчасидир.

Кутубхона йиғган материаллар, ҳужжатлар, қишлоқ аҳолисининг хотиралари турли тоифа фойдаланувчилари томонидан фаол фойдаланилмоқда: қишлоқ байрамлари, ўтиришлар, фольклор тадбирлари, суҳбатлар ва ҳ.к.лар ўтказилади.

Ручьи Крестецк қишлоғидаги В.Хлебников музейида қизиқарли иш олиб борилмоқда.

Мошенск туманидаги Городищенск қишлоқ филиали – Петрово кўрғончаси; Чудовск тумани Грузино қишлоғида граф А.А.Аракчеев тарихи; Хвойнинск, Маревск, Холмск туманлари кутубхоналаридаги халқ турмуш тарзи бурчаклари қизиқиш уйғотади.

Қишлоқда музейларнинг пайдо бўлиши билан уларга методик ёрдам бериш зарурати ҳам пайдо бўлди. 1990 йиллар бошида “Кутубхона-музей тўғрисида намунавий Низом” ишланди. 1984 йилда Вилоят халқ оғзаки ижоди маркази ва Вилоят илмий кутубхонаси томонидан “Қишлоқда музейлар ташкил этиш” мавзусида кутубхона ва клуб ходимлари учун минтақавий семинар бўлиб ўтди.

1996 йилда Холмск тумани Марказий кутубхонасида “Кутубхона. Клуб. Музей: Ҳамкорлик чегаралари” семинари ўтказилди. Унда кутубхона ходимларидан

ташқари вилоятнинг бир қанча туманларидан клуб ва музей ходимлари ҳам иштирок этдилар.

“Кутубхонада музей: Ўлкашунослик фаолиятини ташкил этиш” вилоят семинари ҳам жуда қизиқарли ўтди.

Музей – бу тирик организм, у мунтазам ривожлантирилиши ва тўлдирилиши лозим, бу, айниқса, унча катта бўлмаган аҳоли турар жойларида қизиқарли бўлади.

Энг асосийси – келажак авлодга кичик ватан бўлган ўлкаларнинг тарихи ва маданий ёдгорликлари бўйича йиғилган ҳамма нарсани сақлашдир.

**Матлина С.Г. Заглянем в бабушкин сундук //Библиотека.-2004.-№ 11.-С.71-74.**

**Бувимнинг сандиғини қараб кўрамиз.**

Ҳозирги кунда ўлкашунослик кутубхоналар ишининг муҳим йўналишларидан биридир. Энг асосийси, бу йўналишдаги ишлар аввалги анъанавий ўлкашунослик ҳужжатларини йиғиш, сақлаш ва кенг фойдаланилиши учун имконият яратиш, у ҳужжатлар тўғрисидаги ахборотни истеъмолчиларга етказиш даражасидан чиқмоқда.

Кутубхоналарда олдиндан йиғилаётган ҳужжатлардан ташқари “Қишлоқ солномаси”ни берувчи кексалар, уруш ва меҳнат фахрийларининг хотиралари тўпланмоқда. Китоблар ва мақолалар билан бирга маиший турмуш анжомлари, маълум давр адабий-бадиий ҳаётининг тафсилотлари, кўкрак нишонлари, орденлар, медаллар, тасвирий асарлар коллекциялари ҳам йиғилмоқда. Улар ичида урушда ҳалок бўлган ҳамюртларнинг сарғайиб кетган суратлари, эски кўшиқлар, тўй кўшиқлари, халқ термалари ёзилган фономатериаллар ҳам бор. Бундай материаллар ўтмиш ҳақида ҳаққоний маълумотларни олиш имконини беради.

Албатта, ўқитувчилар ҳам бундай материаллар олдида тарих, адабиёт, ўлкашунослик дарсларини

ўтказишни афзал биладилар. Бу материаллар олдида ўқувчилар ўқитувчининг усталик билан тушунтириши ёрдамида ўтмишни кўрғазмали, асосли тасаввур қилишлари мумкин.

Ўлка тарихини тиклашнинг йўллари турли-туман. Кўпгина йирик шаҳарларда ўлкашунослик музейлари мавжуд.

Кутубхоналар қошидаги музейлар эса яшаш жойига яқинлиги, кутубхонага қатновчиларнинг диди ва қизиқишига мосланганлиги, яна китобхон аллақачон ўрганиб қолган кутубхона шароитида эканлиги билан муҳимдир.

Бу музейлар китобхонни қаёққадир махсус вақт ажратган ҳолда боришга мажбур қилмайди, абонементга китобни алмаштириш учун келган китобхон ҳам, дўсти ёки боласи билан айланиб китобга келган китобхон ҳам уни кўриши мумкин.

Лекин бундай музейларда унинг экспонатлари ўтмиш ҳақида етарли тасаввур бера оладиган ҳолатда қўйиш талаб қилинади, шундагина ҳозирги ёшлар ўтган аждодларининг ҳаётини кўз олдига келтира олиши мумкин. Яна бу музей ҳақида келганларга моҳирона гапириб бера оладиган ходим ҳам бўлиши лозим.

Бундай музейлар яна унга мос бўлган эски, қадимий биноларнинг хоналарида (кутубхона ҳам) бўлиши улар тўғрисидаги тасаввурни янада бўрттириб кўрсатилишига имкон беради.

Кутубхоналарда яна маҳаллий мусаввирларнинг асарлари йиғилиб, расмлар галереялари ҳам ташкил этилиб борилмоқда.

Кутубхоналар қошида музейлар ташкил этилиши ҳаммага ҳам маъқул эмас. Аммо “Қишлоқ солномаси”ни ярата бориб, фольклор, маҳаллий шевалар тўғрисидаги фоно ва тасвирий ёзувларни йиға бориб, кутубхона маданий жараёни ривожлантиришда иштирок этмоқда.

Ўлкашуносликда юқори маданий анъаналарни қайта тиклаш алоҳида йўналишдир. Ўтган асрлардаги каби адабий-муסיқали меҳмонхоналар ва салонлар пайдо бўлмоқда. Унга келувчилар топишмоқларда, баҳрибайт турлариди, шеърий импровизацияларда жон деб иштирок этадилар.

Кутубхоналарнинг бундай улкан ҳажмдаги ишларида маҳаллий ҳокимият уларни қўллаб-қувватламоқда.

Анъанавий шериклар эса музейлар, архивлар, яна ўлкашунослик билимларининг истеъмолчилари, жумладан ўқитувчилар ва ўқувчилардир.

Ўлкашуносликда экологик билимларнинг тарғиб қилиниши ҳам кенг тус олмақда. Белгород вилояти кутубхоначилари ташаббуси билан жонажон ўлка ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини ўрганиши, ташландиқ булоқларни тозалаш, боғларни тартибга келтириш ишлари олиб борилмоқда, бу маҳаллий ҳокимиятнинг ҳам диққат марказидаги масаладир.

**Ладуренко Г.Ф., Деньгина Е.Н. По заветам В.П.Астафьева //Библиотека.-2005.-№ 1.-С.4-9.**

**В.П.Астафьев васияти бўйича.**

В.П.Астафьев буюк прозаик, уни нафақат Россияда, балки чет давлатларда ҳам яхши биладилар. 2004 йил ЮНЕСКО томонидан ёзувчи Виктор Петрович Астафьев йили деб эълон қилинган эди, деб ёзадилар мақола муаллифлари.

Красноярск ўлкаси 1934 йил 7 декабрда БМИК қарори билан ташкил этилган эди. Лекин бу ерда одамлар қадим даврлардан яшайдилар. Ҳозирда бу ерда 2 млн.700 минг киши истиқомат қилади, улардан 115 минг 693 киши 1137 маҳаллий давлат кутубхоналари ва 1052 та кутубхона пунктлари китобхонларидир.

Кейинги беш йил давомида кутубхоналар фаолиятида ислохотлар юз бериб, бу икки йўналишда: биринчидан, китобхонлар ва фойдаланувчиларга хизмат кўрсатишнинг янги моделлари яратилиши; иккинчидан турли йўналишдаги марказларнинг фаол шаклланишида акс этмоқда.

Қишлоқ кутубхоналарида этник Марказлар тузилмоқда. Ҳозирда 200 дан ортиқ муассасалар шундай марказларга эга бўлиб, уларда кичик ватанга муҳаббат туйғусини уйғотишга ёрдам берувчи ҳужжатлар йиғилмоқда ва сақланмоқда.

Малакали даражада ташкил этилган кутубхона-музейлар ўлканинг фахридир.

Булар – Идринск туманидаги Н.Ф.Литянин номидаги Марказий кутубхона-музей ва яна 2 та: Иланск туманидаги болалар ва машҳур рус ёзувчиси Виктор Петрович Астафьевнинг ватани Овсянка қишлоғидаги кутубхона-музейлар.

Айтилган муассасаларнинг ҳар бири ўз ҳолича қизиқарли ва бетакрор. Идринск туманидаги кутубхона-музей залларида ҳудуд ривожланишининг аниқ босқичлари тўғрисида ҳикоя қилувчи материаллар ва экспонатлар қўйилган, улар биргаликда туман ҳаёти тарихидир. Бу ерда табиий бойликлар тўғрисида ҳам, биринчи овчилар ҳақида ҳам, амалий-безак ижоди усталари ҳақида ҳам, умуман ҳамюртларнинг машҳур яхши ишлари ҳақида билиб олиш мумкин. Музей ишлари етарли малакавий даражада олиб борилмоқда, ҳужжатлар фактли ва статистик маълумотлар билан ҳужжатлаштирилган. Сайёҳлар бу ерга тез-тез келиб турадилар, маҳаллий ўқитувчилар бу ерда дарс ўтадилар.

Бошқа – Иланскдаги музейга эса экспонатларни йиғиш, уларни системалаштириш ва намойишга тайёрлашда кутубхоначиларга ташаббускор-волонтерларнинг ёрдам

бериши ўзига хос хусусият касб этади. Бундай ташаббускорлар анчагина топилди.

Музей иши кишиларни кутубхонага қизиқишини ва туман ҳаётида кутубхонанинг ролини орттирмоқда.

Ўлка аҳолисига кутубхоначилик хизмати кўрсатиш таркибида Овсянкадаги кутубхона-музей алоҳида ўрин эгаллайди. Унинг ходимлари ва маҳаллий мухбирларнинг саъй-ҳаракатлари билан у ҳақида турли Россия ва чет эл нашрларида, жумладан “Библиотека” журналида ҳам мақола, материаллар босилмоқда.

В.П.Астафьевнинг васиятига кўра, кутубхона ходимлари яшашимиз, яшашга ўргатишимиз, ўз онги билан ўйлайдиган, ўз қўллари билан ишлайдиган (яхши “шоҳ”ни кутмай), шикоят қилмайдиган кишиларни тарбиялашга ёрдам беришимиз, ўз болаларимизни ўқишга ва ишлашга ўргатишимиз керак.

**Яковлева И.В. При балке кленовой...  
//Библиотека.-2005.-№2.-С.60-61.**

Шаҳримизда ўлкашунослик кутубхона-музеи ташкил этиш ғояси тасодифан пайдо бўлмаган, деб ёзади Ростов вилояти Зверев шаҳридаги ўлкашунослик кутубхона-музеи мудираси Инна Васильевна Яковлева.

1992 йилда Зверевск МКТнинг №1 шоҳобчасида ихтисослашган фонд билан бўлим ажратилган. Вақти келиб у шаҳарда ўлкашунослик марказига айланиб, жонажон ўлкасига бефарқ бўлмаган барчани бирлаштирди.

1998 йилда №1 мактаб қошида жамоатчилик асосида ишлаётган музей тақдири ҳақидаги масала кўтарилганда шаҳар раҳбарлари уни ўлкашунослик кутубхонаси билан бирлаштириш билан энг яхши йўл тутдилар.

Кутубхона-музей аниқ белгиланган йўналиш бўйича ишлай бошлади.

Бу:

- жонажон ўлка ҳақидаги ҳужжатлар фондини ташкил этиш, уни тарғиб қилиш;
- ихтисослашган СБА яратиш ва кенгайтириш;
- тадқиқотчилик иши;
- турли ташкилотлар ва муассасалар билан биргаликда амалга ошириладиган жонажон ўлка тўғрисида билимларни оммалаштириш.

Ўлкашунослик кутубхона-музейининг фонди – бу нафақат китоблар ва вақтли нашрлар, балки яна машинкада ёзилган асл нусхалар ва архив ҳужжатлари нусхалари, аудио ва видео ёзувлар, фотографиялар, музей экспонатларидан иборат.

Фонд анъанавий методлар (китоб кўргазмалари, очик намойишлар), шунингдек музей (стендлар, витриналар) ёрдамида тарғиб қилинади.

Китоблар ва вақтли нашрлар билан бир қаторда қўйилган турмуш анжомлари, казаклар кийимлари, фронт жангчилари хатлари, уруш йиллари расмлари ва ҳатто снарядлар ўқлари китобхонларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Музей бўлимида Ростов вилояти ва Звереве шаҳридан уруш қаҳрамонлари ва қатнашчиларининг фотографиялари билан бир қаторда хотира китоби туради. Фондни ташкил этиш ва тарғиб қилишда мақолаларнинг ўлкашунослик картотекаси асос бўлган справка-библиографик аппарат (СБА) ҳам муҳим роль ўйнайди.

Унга:

- ўлкашунослик китоблари нашрлари тасвирлари;
- Звереве шаҳри ва унга яқин жойлар ҳақида гап борган тўпламлардан мақолалар тасвирлари;
- маҳаллий нашрларнинг тўлиқ тасвири;
- ҳужжатли фонд тасвири

қ ў й и л а д и.

Воқеалар картотекаси, шахслар картотекалари: “Шаҳар фаҳри”, “Зверевсклик усталар”, “Жонажон ўлка шоири” мавжуд.

Кутубхона-музей ўз ишини ташкил этишга кўп эътибор бермоқда.

Ходимлар уни ўз китобхонлари, шаҳар аҳолиси талабларига жавоб берадиган, янада қизиқарли қилишга ҳаракат қилмоқдалар.

Справка-библиография хизмати шаҳар муассасаларини ўлкашунослик мавзулари бўйича ахборот билан таъминлашни ўз ичига олади.

Кутубхона ўқитувчиларнинг шаҳар методик бирлашмасини ўтказишда иштирок этади, “Жонажон ўлкасини севувчилар ҳақида ва севувчилар учун” бюллетенини чиқаради.

Музей бўлимида саёҳатлар, ўлкашунослик соатлари, маҳаллий усталар ва мусаввирлар асарларининг кўргазмалари ўтказилади. Маҳаллий газета ва телевидение орқали шаҳарликларга музей бўлимининг иши, янги экспонатларнинг олиниши тўғрисида ҳикоя қилиб борадилар.

Турли кўргазмалар катта қизиқиш уйғотади. Халқ усталари С.А.Ткач ва Б.Калмиковларнинг ибодатхоналар ва бут (санам)лар (ёғочга ўйилган) макетлари шаҳарликларда ажойиб қизиқишга сабаб бўлди. Шаҳар куни олдидан кутубхонанинг музей бўлимида декоратив-амалий ишлар кўргазмаси анъанавий тарзда ўтказилади, унда болалар санъат мактаби ўқувчилари, иқтидорларга бой шахримиз мусаввирлари ва усталари иштирок этадилар.

Ҳозирда музей бўлими экспонатлари 535 бирлик асосий ва 322 илмий-ёрдамчи фондга эга. Кейинги йилнинг ўзида 4 та экспозиция: “Биз учун кадрли шаҳар”, “Қазак турмуши”, “Яна қазилма бойликларни олишга кетаётганлар

хақида”, “Бу кунлар шухрати сўнмайди” кабилар ташкил этилди.

Музей бўлими қошида “Қидирув” ўлкашунослар клуби тузилган. Клуб аъзолари ва кутубхона ходимлари ўнлаб китоблар ва юзлаб вақтли нашрларни, архив ҳужжатларини варақлаб, шаҳар ҳақидаги маълумотларни йиғадилар, туб аҳолининг хотиралари ёзиб олинади. Барча материаллар системалаштирилади, расмийлаштирилади. Натижада “Зверев тўғрисида очерк”, “Шаҳримиз кўчалари” каби нашрлар пайдо бўлди.

Зверев шаҳри ҳақида кўпгина нашрларда жумладан, “Маршал Жуковнинг хотиралари”да, “Иккинчи жаҳон уруши тарихи” энциклопедияларда маълумотлар топилди.

Кутубхоначилар ўз ишларининг тўғрилигига иккиланадилар ҳам, бироқ китобхонлар сонининг тинмай ўсиб бориши – 3000 киши, улар ишининг баҳоланиши меъёри бўлиши мумкин. Ҳозирда кутубхона-музей жонажон шаҳар ва ўлкани ўрганишнинг ҳақиқий маркази бўлиб қолди.

**Никифорова Е.А. ... Имени М.А.Шолохова: (Рождение музея) //Библиотека.-2005.-№4.-С.29-31.**

**... М.А.Шолохов номли...**

2005 йил 24 майда буюк рус ёзувчиси М.А.Шолохов туғилган кунига 100 йил тўлди. Бу сана олдидан Москвада М.А.Шолохов номидаги Марказий кутубхонада адиб ҳаёти ва ижодига бағишланган музей очилди.

Ҳар бир янги иш ўз тарихига эга. Ўтган асрнинг 30-йилларида – ҳозирда пойтахтнинг Шарқий маъмурий округига кирувчи олдинги Куйбишев туманига М.А. Шолохов келган. У “Красный богатырь” заводи ишчилари билан учрашиб, уларга “Тинч Дон” романидан парчалар ўқиб берган эди. Кейинги йилларда кутубхоначилар доимо ёзувчи асарлари билан ишлашга, китобхонларни унинг ижоди билан таништиришга алоҳида эътибор бердилар.

Турган гапки, бу иш ҳокимият томонидан ҳам, жамоатчилик томонидан ҳам кадрланди ва 1984 йил ёзувчи вафоти муносабати билан унинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида Марказий кутубхонага Михаил Александрович Шолохов номи берилди.

Шу вақтдан бошлаб, кутубхона пойтахтда буюк ёзувчи номига эга бўлган ягона маданият муассасаси эканини билган кутубхона жамоаси унинг асарлари нашрларини, унинг ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги материалларни, шунингдек ёзувчи учун қадрдон бўлган Дон казаклари тарихи бўйича ҳужжатларни йиға бошладилар. Кутубхона вестибюлини Шолоховнинг оқ мармардан ишланган бюсти безаб турибди.

Кутубхонада аҳоли ўртасида оммалашган “Шолохов ўқишлари” мунтазам ўтказилади. Машҳур кинорежиссер, актер Марк Захаров раҳбарлигида ўзига хос “Театр” тузилган бўлиб, унинг саҳнасида П.Глебов, Людмила Хитаева, Наталья Гундарева, Алексей Баталов, Валентин Гафт, Нонна Мордюкова ва бошқалар чиқиб, улар “Шолохов ўқишлари”ни ўтказишда ҳозирги кунда ҳам ёрдам бериб келмоқдалар.

Кутубхона М.А.Шолохов ҳаёти ва фаолиятининг бирон санаси ва воқеасини ёддан чиқармасликка ҳаракат қилиб, фактографик кўргазма ташкил этади, унинг асарларини китобхонлар билан яқка суҳбатда тавсия этадилар.

РФ Президенти В.В.Путиннинг 2002 йил 11 январдаги “М.А.Шолохов туғилган кунининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги адиб хотирасини абадийлаштириш бўйича фармони кутубхона ходимлари ишининг янги босқичини бошлаб берди.

Бу фармон билан Шолохов кутубхонасига ҳам капитал таъмирлаш, бинони қайта расмийлаштириш учун, жумладан музей учун етарли маблағ ажратилди.

Энг асосий иш Шолохов музейини яратиш бўлди. Ходимлар ичида адиб ҳаёти ва фаолиятини яхши билган, музей ишини билувчи мутахассиснинг йўқлиги ишни қийинлаштирди. Айниқса, унинг ижоди кўп адабиётшунослар учун ҳам “қоронғу” эди.

Унинг ижоди шубҳага олинган. “Тинч Дон” асарининг “кўчирмачилик”да яратилганлиги, адибнинг совет ҳокимиятига қаршилиги, қулоқлик билан ҳамфикр эканлиги адибга қанчалар ташвиш, азият, заҳмат етказган.

Шу сабабли ҳар бир ўтган давр, адиб ҳаёти ҳақидаги архив ҳужжатларини, шолоховшуносларнинг асарларини диққат билан ўрганиш жуда муҳим эди.

Бироқ бизнинг бошлаган ишимизни кўпгина муассасалар ва алоҳида шахслар қўлладилар, деб ёзади кутубхона директори Елена Анатольевна Никифорова.

Кутубхонага Вешенскийдаги М.А.Шолохов Давлат музейи, Давлат тарих кутубхонаси, Бутунроссия Давлат чет эл адабиётлари кутубхонаси, А.А.Гусев раҳбарлигидаги Меҳнат жамоалари иши бўйича жамоатчилик кенгаши ёрдам бердилар.

Шолохов номидаги Москва давлат очик педагогика университети билан узвий ҳамкорликда иш олиб борилди.

Ёзувчи ижодининг тадқиқотчилари, илмий ходимлар, ноширлар бизга ҳозиргача ёрдам бериб келмоқдалар.

Ва ниҳоят қатор муассасалар мутахассислари ёрдами ва жамоанинг самарали меҳнати билан музей экспозицияси ташкил қилинди. У катта сондаги ҳужжатли материаллар, суратлар ва тушунтириш матнларидан иборат. Унда Михаил Александрович Шолохов ҳаёти ва ижодининг деярли барча даврлари акс этган.

Кутубхона ходимлари адибнинг энг муҳим асарлари – “Тинч Дон”, “Очилган кўрик”нинг мазмуни ва аҳамиятини очиб беришга алоҳида эътибор бердилар.

Бу ерда Шолоховнинг урушгача ва урушдан кейинги ҳаёти ва фаолияти, унинг “Улар Ватан учун жанг қилганлар”, “Инсон тақдири” асарлари гавдаланган. Бу ерда адибнинг жамоатчилик, депутатлик фаолияти, унинг мукофотлари ўз ўрнини топган.

Музей материалларининг турлари ва жанрлари ранг-баранглигидан фойдаланиб, М.А.Шолохов ҳаёти ва ижоди мазмунини ҳар томонлама очиб беришга ҳаракат қилинди.

Ҳозирда М.А.Шолохов асарлари ва у ҳақидаги адабиётларнинг тўлиқ библиографияси: ёзувчи ва унинг “Тинч Дон” романи тақдири ҳақида ҳикоя қилувчи фактографик материал, XIV асрдан бошлаб казаклар тарихи бўйича материаллар мавжуд.

“М.А.Шолохов асарлари”, “М.А.Шолохов ҳаёти ва фаолиятининг тадқиқ қилиниши”, “Казакчилик ва ҳозирги замон” каби мавзуларда СД-РОМ яратилган.

Музейда Шолохов овозини тинглаш, унга бағишланган кинохроника материални, шунингдек унинг асарлари асосида ишланган фильмларни томоша қилиш мумкин.

Бу ерда дон казаклари кўшиқлари ҳам янграйди. “Москва буюк рус ёзувчиси Михаил Александрович Шолохов ҳаётида” материали музейнинг энг қимматли қисмидир.

2004 йил 16 декабрда музей тантанали равишда очилди. Унинг очилишида Шарқий округ департамент бошлиғи Н.И.Евтихийев ва Жанубий Шарқий округ департаменти В.Б.Зотов, маданият арбоблари: ёзувчилар, ноширлар, илмий ходимлар, кутубхоначилар, шунингдек дон казакчилиги вакиллари иштирок этдилар.

**Жуковская Т.Б. Передай добро по кругу:  
Духовные родники //Библиотека.-2005.-№6.-С.51-53.**

**Эзгуликни давра бўйлаб етказ.**

А.С.Пушкин номидаги кутубхона Нижегородск вилояти, Дзержинск шаҳар МКТнинг йирик шоҳобчаларидан биридир. У Дзержинскнинг эски марказида транспорт серкатнов кўчалари кесишган ерда жойлашган, кутубхона фонди 100 минг нусха китобдан иборат. 8 та кутубхоначилар 4,5 минг фойдаланувчиларга хизмат кўрсатадилар. Унда абонемент, кироатхона, адабий-мусликий меҳмонхона, шоир Н.М.Рубцовнинг адабий музейи бор. Кутубхонага А.В.Потапова раҳбарлик қилади, деб ёзди шаҳар МКТ директори Татьяна Борисовна Жуковская. Шоир Николай Рубцовнинг адабий музейи китобхонлар ва маҳаллий зиёлиларнинг истаги билан пайдо бўлди. Д.А.Ширяевнинг тўплаган хусусий ашёлари музей коллекцияси учун асос бўлди.

Музей маҳаллий адабиётчиларни поэзия клубига бирлаштирди. Бу борада «Кутубхона поэзия меҳмонхонаси» дастури ишланди, «Россияда Пушкинхонлик кунлари», «Рубцов шанбаликлари», адабий кечалар, янги китоблар тақдимотлари, йиллик кўрғазмалар цикллари анъанавий бўлиб қолди. Йилдан-йилга поэзияга қизиқувчилар сони кўпайди, шеърини тўпламларнинг берилиши ҳам ўсди.

Кейинги дастур эса «Шоир Н.Рубцов музейи А.С.Пушкин номидаги кутубхонанинг фаол ишлайдиган тузилмавий бўлинмаси сифатида» деб номланди.

Бунга мувофиқ илмий-тадқиқот, маърифий, ижодий ва нашриётчилик фаолияти олиб борилмоқда. Ҳозирда музейда 1500 сақлов бирлиги (китоблар, журналлар, фото-материаллар, видеоёзувлар, суратлар, хатлар ва бошқалар) мавжуд. Кутубхонадаги музей йилдан йилга машҳур бўлиб бормоқда – ҳар йили 500 киши унга томошага келади.

Унинг Москва, Санкт-Петербург, Вологда, Мурманск, Сургут ва бошқа шаҳарлардаги Николай Рубцов музейлари ва марказлари билан алоқаси кенгайиб бормоқда.

Музей ҳақида мақолалар шаҳар, вилоят, республика оммавий ахборот воситаларида мунтазам босилиб бормоқда. Санкт-Петербургдаги Н.Рубцов музейи директори, Нижний Новгород ва Павлово ёзувчилар уюшмаси вакиллари, Варнавино қишлоқ маъмурияти, Решетихо қишлоқ кутубхонаси ходимлари, шоир ижодини кадрловчилар музей меҳмони бўлдилар.

2001 йилда музей «Н.Рубцов Нижегородск ерида» кичик рисоласини, 2003 йилда «Адабий Дзержинский» тўпламини чиқарди.

Музей ишлари ҳақида «Бутунроссия Рубцов ўқишлари»да (Вологда ш.), «Н.М.Рубцов шеърляри – Россиянинг миллий бойлиги. Кутубхоналар. Музейлар» Бутунроссия илмий-амалий конференцияда (Санкт-Петербург ш.) «Нижегород музейли пойтахт» фестивалида (Городец ш.) хикоя қилиб берилди.

Юқоридаги дастур натижасида «Навқирон юраклар», «Кўчиб келган киши» клублари, «Рус гулхани» ва бошқа адабий клублар пайдо бўлди.

Уларнинг ишини «Эзгуликни давра бўйлаб етказ» дастури лойиҳаси қўллаб-қувватламоқда. У аҳолининг ижтимоий ҳимояланмаган гуруҳларини дам олишини ташкил қилишга ёрдам беради. Шу билан бирга унинг вазифаси атрофдагиларга диққат-эътиборли бўлиш, ижтимоий кўникиш воситалари – ўзаро қўллаш, ўзаро ёрдам бериш ҳамдир.

Муассасамизни маданият ва шаҳарликларнинг дам олиш маркази деб аташ мумкин.

**Петрова Л. Лишь тот достоин уважения, кто чтит историю свою: Музей в библиотеке //Библиотека.-2002.-№10.-С.50-51.**

**Ўз тарихини улуғлаганларгина хурматга сазовордир.**

Кутубхоналарнинг муҳим вазифаларидан бири тарихни англашни ривожлантиришдир. Бу уларни музейларга яқинлаштиради, деб ёзади Новгород вилоят универсал илмий кутубхонаси ИМБ бош кутубхоначиси Л.А. Петрова.

1988 йили Новгород туман МКТ негизида ўлкашунослик музейи ташкил этилди. 1995 йилда эса у кутубхона билан биргаликда янги бинога кўчирилди. Ўшанда экспозицияси тайёрланди ва «Кутубхона-музей» дастури ишланди, кутубхона таркибида эса ўлкашунослик бўлими ажратилди.

Кутубхона–музейда ҳар йили Державин ўқишлари, туман бахши-оқинлари ва бадий сўз усталарининг танлови ташкил қилинади, унда 6 ёшдан 85 ёшгача бўлган аҳоли иштирок этади.

Кутубхона-музейнинг справка аппарати ўлкашунослик каталоги, фактографик электрон маълумотлар базасини ўз ичига олади. Ходимлар китобхонлар учун Новгород тумани ҳудудида жойлашган рус маданияти меъморчилик ёдгорликлари: Хутинск ва Вяжишск монастирлари тўғрисида; Нередицдаги машҳур Спас черкови тўғрисида; Хутинск монастирига дафн этилган шоир Г.Державин хақида эсдаликлар чиқарганлар.

Кутубхона халқ хунармандлари ва овчилар, маҳаллий мусаввирлар, шоирлар ва ёзувчилар билан узвий алоқа ўрнатган. Булар – музей-қўриқхонада ва ВУИҚда «Новгород туманининг XIX – XX аср бошларидаги қўрғонлари», «Новгород уезди кутубхоналари тарихи» ва бошқа мавзуларда тадқиқот ишини олиб бориш имконини беради.

Солецкий туманида бошқача тажриба мавжуд. Маҳаллий маъмуриятнинг ташаббуси билан ўлкашунослик музейи марказий кутубхона тузилишига қўшилган, натижада музей кутубxonанинг бир бўлимига айланган.

Новгород қишлоқларида маблағ етишмаслиги туфайли кўпгина музейлар айнан кутубxonаларда, уларнинг қишлоқлар тарихини ўрганиш бўйича фаолияти натижаси сифатида ташкил этилган.

Новгород тумани Наволокск қишлоғида биринчи шундай муассасанинг пайдо бўлиши билан Вилоят илмий кутубxonасининг илмий-методика бўлими 1987 йилда «Амалга жорий қилишни тавсия этамиз» тукумидаги, «Халқ хунарамдлари музейи: Новгород тумани Наволокск кутубхона-шоҳобчаси иш тажрибасидан» деб номланган варақани чиқарди. 1990 йиллар бошларида эса «Кутубхона музейлар тўғрисида намунавий Низом» ишланди.

Музей – бу тирик организм, у доимо ривожлантирилиши ва тўлдирилиши лозим, шунда у қизиқарли бўлади, шунда уни келгуси авлод учун сақлаш мумкин, унинг Рус давлати тарихи ва маданиятидаги роли ва аҳамиятини тушунишга ёрдам беради, «кичик ватан»нинг фахри бўлиб қолади.

**Борисовская М.. Свидетельства времени: Библиотека-музей //Библиотека.-2003-№5.-С.33-34.**

**Даврлардан гувоҳлик.**

Москва шаҳридаги И.С.Тургенев номидаги кутубхона-қироатхона (Тургеневка)нинг музей-кўргазма-фонди сақловчи (қўриқловчи)си Мария Моисеевна Борисовская шу кутубхона-қироатхонага ишга келган дастлабки кунидан бошлаб, ҳозирги кунгача олиб борган ишлари ҳақида ўртоклашади.

25 йилдан ортиқ у ёпиқ кутубхона-қироатхонада ишлади. Биринчи кунданок қироатхона архивини узоқ

сақлашга йиғиб қўйишга тўғри келди. Ходимлар фондни сақлаб қолиши ва қироатхонанинг ишлаши учун янги жой қидириш керак эди.

1990 йилларда Боброво тор кўчасидаги бинони кутубхона учун қайта тиклаш бошланганда Москва кутубхоналари тарихи музейини ташкил этиш тўғрисида гап борди.

Мен қироатхона архивини ажратиш ва Москва архивларидан XIX аср охири – XX аср бошларида очилган кутубхоналар ҳақида янги маълумотлар қидириш имкониятига эга бўлганим учун тақдирдан миннатдорман, - дейди М.М.Борисовская.

Ва ўз мақоласида у аҳолига, Тургеневкада ўзи ишлаган ёки қариндош-уруғлари ишлаган шахсларга кутубхоналар ҳақида билган, кўрганларини ҳикоя қилиб, гапириб, магнит тасмасига ёздириб қолдиришларини сўраб-муружаат қилган.

Музей учун экспонатлар йиғишда кутубхона буюмлари, каталог қутилари, кутубхоначиларнинг кафедралари, чироклари, ёзув қуроллари, турли даврлардаги кутубхона техникаси намуналари, нарвонлари; китоб ёки қўлида китоб ушлаган китоб жавони ёнидаги киши тавсирланган ўйма нақш суратлар ва ҳоказоларни йиғиш кўзда тутилмоқда. Китоб ва кутубхона ёдгорликларини йиғувчи ва сақловчи коллекционерлардан умид катта.

Музейга дастлабки ташаббускорлар ўз тухфаларини топширдилар. Собиқ ҳарбий мухбир Б.И.Баринов Тургеневга бағишланган 5 минг китоб ва бошқа материаллардан иборат умри давомида йиғган коллекциясини топширди.

Ташаббускор В.Астраханский кутубхона билан ҳамкорликда ишлаган «Улуғ Ватан уруши ҳарбий саркардалари ҳаётида китоб» кўрғазмасини кутубхонага тортик қилди.

Кекса кутубхоначи Е.Е.Троицкаядан ўтган йиллар кутубхоначилиқ иши бўйича кўпгина қимматли нашрлар олинди.

Тургеневканинг собиқ мусаввири Э.Э.Завадский меҳр билан ишлаган ва Житомирдан келтирилган қироатхонанинг эски биноси макети музейдан фахрий жой олади.

Ҳозирда музейга экспонатлар-буюмлар йиғиш давом этмоқда. «Музей» маълумотлар базасида архив ҳужжатларининг электрон рўйхати тузилмоқда. Фактографик маълумотлар базаси ишлаб чиқилмоқда, унга кутубхоналар тарихи, уларнинг ходимларига оид барча маълумотлар ва фактлар киритилади.

**«Кутубхоналар ва ахборот ресурслари ҳозирги фан,  
маданият, маориф ва бизнес оламида»  
«Қрим – 2005» 12-Халқаро конференцияси (Қрим, 2005  
йил 4-12 июнь) тўғрисида ахборот**

“Кутубхоналар, ахборот ва маънавий бойлик ахборотлашган жамият даврида” мавзусида ўтган навбатдаги 12-Халқаро “Қрим – 2005” конференциясида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директорининг илмий ишлар бўйича муовини И.З.Маминова иштирок этди. Конференцияда дунёнинг 30 мамлакатидан 1300 иштирокчилар рўйхатга олинган.

Конференцияда 14 шўъба иш олиб борди, 6 махсус тадбирлар (Ноширлик компаниялари ва уйлари кунлари), 16 семинар, 9 давра суҳбати, 6 та йиллик конференциялар, 3 махсус тақдимномалар, ундан ташқари кўргазмаларда 10 тақдимот бўлиб ўтди.

Ҳар йилги «Кутубхоналар тизимлари, ахборот ва нашриётлар маҳсулотлари» кўргазмаси ихтисослашган кўргазма комплексида кенгайтирилган ҳолда ўтди.

Бу йилги конференция мавзуси ҳар бир шўъба ва семинар ишида ўз ифодасини топди.

Кўпгина шўбалар кенгайтирилган, айримлари йириклаштирилиб, умумлашган ҳолда иш олиб борди. Масалан, «Ҳуқуқий ва ишбилармонлик ахборотидан оммавий фойдаланиш» шўбаси муаллифлик ва маънавий ҳуқуқ бўйича маърузалар ҳисобига кенгайган ва бир неча кун давом этган. «Автоматлаштирилган ва корпоратив кутубхоналар тизимлари ва технологиялар» шўбаси ва бошқа шўбалар ҳам йириклаштирилган.

«Халқаро каталоглаштириш XXI-асрда» форумининг ташкил этилиши касбий алоқаларни кенгайтириш бўйича конференция ишининг янги йўналиши бўлди. Бу РДК ва ИФЛА нинг ҳамкорликдаги тадбири эди.

Бу семинарни каталоглаштириш соҳасида АҚШ Конгресс кутубхонасинг Машхур ва обрўли мутахассиси Барбара Тиллетт олиб бордилар.

II жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 60 йиллиги байрами муносабати билан китоб ёдгорликлари, маданий ёдгорликларни сақлаш, уруш йилларидаги маданий йўқотиш масалаларига бағишланган махсус семинар Ливадий саройида, Сталин, Рузвельт ва Черчиллар ўртасида декларация имзоланган залда бўлиб ўтди.

Ушбу конференцияда биринчи марта «Россия кутубхоналари куни», «Украина кутубхоналари куни», «Белорус Республикаси маданият вазирлиги куни» халқаро тадбирлар иштирокчилар учун жуда қизиқарли ва муваффақиятли ўтди. Унда республикалар Маданият вазирлари, Кутубхоналар директорлари чиқишда бўлдилар.

Евпатория шаҳридаги Император Александр II номидаги Шаҳар марказий кутубхонасида анъанага кўра конференция доирасида туркшунос олим, шарқшунос А.Н.Самойлович туғилган кунининг 125-йиллигига бағишланган «Турк тилли давлатлар ва минтақалар кутубхоналари: ҳамкорлик ва шериклик имкониятлари» семинари бўлиб ўтди.

Семинар дастурида А.Н.Самойлович ижоди, унинг Қрим, шунингдек Россия кутубхоналарида сақланаётган илмий меросига бағишланган бир неча маъруза ва ахборотлар кўзда тутилган. Семинарнинг иккинчи қисмида «Ўзбекистон ахборот ресурсларининг шаклланиш йўллари ва жамиятнинг ривожланишида уларнинг аҳамияти» мавзусида (А.О.Умаров, Ўзбекистон), «Қрим хонлари Саройидаги кутубхона» (А.Е.Гайворонский), «Қараимск Миллий кутубхона-музейи» (В.З.Тирияки, Евпатория), «Украинада туркшунослик нашрлари» (обзор) ва бошқа мавзулардаги маърузалар тингланди.

Иштирокчилар – Ўзбекистон, Озарбайжон, Россия, Тожикистон, Қозоғистон, Украина, Германия, АҚШ вакиллари турк тилли давлатлар кутубхоналарининг ҳамкорлиги ва шериклик алоқаларини мустаҳкамлаш, ҳамкорликнинг янги манфаатли қирраларини топиш зарурлигини яна бир бор тасдиқладилар.

Конференция доирасида «Умумий ахборот маконини ташкил этишда Россия ва МДХ давлатлари кутубхоналарининг ахборот ресурсларини бирлаштириш: ахборотдан КАА ва ҳужжатларни етказиб бериш орқали эркин фойдаланишни таъминлаш» семинари бўлиб ўтди. Унда МДХ давлатлари кутубхоналари ахборот ресурсларининг интеграцияси КАА ва ҳужжатларни етказиб бериш тизимининг яратилиш даврида МДХ иштирокчи давлатлари Миллий кутубхоналарининг ўзаро ҳамкорлиги, Миллий КАА ва ҳужжатларни етказиб бериш хизмати ҳолати ва бошқа масалалар кўрилди.

Бундан ташқари «Автоматлашган ва корпоратив кутубхоналар тизими ва технологиялар» шўъбасининг «Йиғма каталоглар: ҳолати ва истиқболлари» мавзусидаги 2-бўлимида, яъни Россия Давлат Илмий техника кутубхонаси Йиғма каталог бўлимининг мудирини билан Россия йиғма каталоги (чет эл китоблари ва вақтли нашрлари)да

Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг иштироки масаласи кўрилган учрашувда И.З.Маминова иштирок этдилар.

Яна шу шўъбада «Электрон кутубхоналар ва Интернет технологиялар» бўлими 1-шўъбаси «Электрон кутубхоналар: яратиш ва фойдаланиш концепцияси» шўъбасида диссертацияларнинг электрон кутубхонасини яратиш, электрон кутубхонани тўлдириш масалалари (РДК), нодир китоблар ва қўлёзмаларнинг рақамли кутубхонасини тузиш (Қозоғистон, РМК), электрон кутубхоналар хизмат кўрсатиш тизимида ва бошқа масалалар бўйича маърузалар тингланди.

Халқаро конференцияда иштирок этиш кутубхона-ахборот ва таълим технологияларини ривожлантириш, китоб бозорини ўрганиш, кутубхоналар учун янги таълимий ахборот ресурслари тўғрисида тасаввурга эга бўлиш, электрон маълумотлар базаси вакиллари, миллий ва олий таълим муассасалари кутубхоналари мутахассислари билан янги алоқалар ўрнатиш, уларни миллий электрон каталог тузишдаги тажрибалар билан таништириш, республика электрон кутубхоналарини тузишдаги ўз ишланмаларимизни тақдим этиш имконини берди, деб Ирина Закировна конференция ҳақидаги ўз фикр-таассуротларини яқунлайди.

Босишга рухсат этилди 2005 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_  
Бичими \_\_\_ нашр. т. \_\_\_ нусха. Буюртма № \_\_\_\_\_

---

Тошкент, Х.Сулаймонова кўчаси, 33. Алишер Навоий  
номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси босмахонасида  
чоп этилди